
ФАРҒОНАЛИК VII “ОСИЁ БОЛАЛАРИ” ХАЛҚАРО СПОРТ ҲАММАНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ТАНАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Бугун кеч соатларда Фарғона шаҳридаги вилоят театр-концерт саройи очиқ майдонида Россия Федерациясининг Владивосток шаҳрида бўлиб ўтган VII “Осиё болалари” халқаро спорт ўйинларида Ўзбекистон Миллий терма жамоаси сафида муваффақиятли иштирок этган вилоятимиз спортчиларини тананали кутиб олиш маросими ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов ҳамда вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Нодирбек Ҳакимов қатнашди.

Сўз олганлар юртимиз спортчилари халқаро нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни қайд этишаётгани барча ватандошларимизда фахр-ифтихор уйғотаётганини таъкидлашди.

Хусусан, VII “Осиё болалари” халқаро спорт ўйинларида вилоятимиз ёшлари 2 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза, жами 8 та медални қўлга киритгани фарғоналикларга бир олам қувонч улашгани алоҳида қайд этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-11 09:25:30